

Ўзбекистон Республикаси
Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги

70220401-Археология магистратура
мутахассислигининг малака талаблари

Тошкент



ИШЛАБ ЧИҚИЛГАН ВА КИРИТИЛГАН:

- Мирзо Улугбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети;
- Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Тарих институти

ТАСДИҚЛАНГАН ВА АМАЛГА КИРИТИЛГАН:

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги хузуридаги Олий ва ўрта маҳсус, профессионал таълим йўналиши бўйича ўқув-услубий бирлашмалар фаолиятини Мувофиқлаштирувчи кенгашнинг 2021 йил «24» 08 даги 4 - сонли йиғилишида маъқулланган. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигининг 2021 йил «25» 08 даги 365 - сонли буйруғи билан тасдиқланган.

ЖОРИЙ ЭТИЛГАН:

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги.

Мазкур Малака талаблари “Олий таълим давлат таълим стандарти. Асосий қоидалар”, “Олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари классификатори”, Ўзбекистон Республикаси Миллий малака рамкасига мувофиқ ишлаб чиқилган ва расмий меъёрий-услубий хужжат ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси худудида Малака талабларини расмий чоп этиш хукуки Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигига тегишлидир.

МУНДАРИЖА

Т/п				бет
1.	70220401-Археология магистратура мутахассислигининг таснифи.....	умумий		4
1.1.	Кўлланиш соҳаси			4
1.1.1.	70220401-Археология магистратура мутахассислиги малака талабининг кўлланилиши.....			4
1.1.2.	Малака талабларининг асосий фойдаланувчилари.....			4
1.2.	70220401-Археология мутахассислиги бўйича магистрлар касбий фаолиятлари таснифи			4
1.2.1.	70220401-Археология мутахассислиги бўйича магистрлар касбий фаолиятларининг соҳалари.....			4
1.2.2.	70220401-Археология мутахассислиги бўйича магистрлар касбий фаолиятларининг объектлари.....			5
1.2.3.	70220401-Археология мутахассислиги бўйича магистрлар касбий фаолиятларининг турлари.....			5
1.2.4.	70220401-Археология мутахассислиги бўйича магистрларнинг касбий вазифалари.....			5
2.	70220401-Археология таълим мутахассислиги бўйича магистрларнинг касбий компетенцияларига қўйиладиган талаблар.....			6
2.1.	Умумий компетенциялар.....			7
2.2.	Касбий компетенциялар.....			8
	Библиографик маълумотлар.....			9
	Келишув вараги			10

1. 70220401-Археология магистратура мутахассислигининг умумий тавсифи

70220401-Археология магистратура мутахассислиги бўйича магистрлар тайёрлаш кундузги таълим шаклларида амалга оширилади. Барча таълим шакллари бўйича ўқитиш кредит-модуль тизими асосида ташкил қилинади. Магистратура дастурининг меъёрий муддати 2 йил.

1.1. Қўлланиш соҳаси

1.1.1. 70220401-Археология магистратура мутахассислиги малака талабининг қўлланилиши.

Малака талаби **70220401-Археология** магистратура мутахассислиги бўйича магистрлар тайёрловчи барча олий таълим ташкилотлари учун талаблар мажмуини ифодалайди.

1.1.2. Малака талабларининг асосий фойдаланувчилари:

- мазкур магистратура мутахассислиги бўйича малака талаблари, ўкув режа ва фан дастурларини ишлаб чиқиши ва янгилаш, улар асосида ўкув жараёнини самарали амалга ошириш учун масъул ҳамда ўз ваколат доирасида битирувчиларнинг тайёргарлик даражасига жавоб берадиган олий таълим ташкилотининг бошқарув ходимлари (ректор, проректорлар, ўкув бўлими бошлифи, деканлар ва кафедра мудирлари) ва профессор-ўқитувчилари;

- магистратура мутахассислигининг ўкув режаси ва фан дастурларини ўзлаштирувчи олий таълим ташкилотининг талabalari;

- магистратура битирувчиларининг тайёргарлик даражасини баҳолашни амалга оширувчи Давлат аттестация комиссиялари;

- таълимни бошқариш бўйича ваколатли давлат органлари;

- олий таълим ташкилотларини молиялаштиришни таъминловчи органлар;

- олий таълим тизимини аккредитация ва сифатини назорат қилувчи ваколатли давлат органлари;

- кадрлар буюргачилари ва иш берувчи ташкилот ва корхоналар;

- олий таълим ташкилотларига ўқишига кираётган бакалавриат битирувчилари ва бошқа манбаатдор шахслар.

1.2. 70220401-Археология мутахассислиги бўйича магистрлар касбий фаолиятларининг тавсифи

1.2.1. 70220401-Археология мутахассислиги бўйича магистрлар касбий фаолиятларининг соҳалари:

70220401-Археология – санъат ва гуманитар фанлар соҳасидаги мутахассислик бўлиб, барча таълим муассасаларида мутахассисликка оид фанларни ўқитиш, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси ва тармоқ илмий-тадқиқот институтларида, умумий ўрта, ўрта маҳсус ва олий таълим муассасаларида педагогик фаолият, педагогик илмий-услубий фаолият, музей ва илмий музейларда, моддий ва маънавий ёдгорликларни ўрганиш ва қўриқлаш муассасалар бўлинмаларида, маънавият ва маърифат марказлари, тармоқ университетлари, малака ошириш институтлари, маданиятнинг функционал тизимларини ишлаб чиқувчи ва тарғиб қилувчи бирлашмалар фаолият кўламини қамраб олади.

1.2.2. 70220401-Археология мутахассислиги бўйича магистрлар касбий фаолиятларининг обьектлари:

- олий таълим, қайта тайёрлаш ва малака ошириш, професионал таълим муассасаларида педагогик фаолият;

- Фанлар академияси ва тармоқ илмий-тадқиқот институтлари ва марказларида ҳамда олий таълим муассасаларида илмий-тадқиқот фаолияти ва жараёнлар;

- илмий, техникавий ва технологик масалалар билан боғлиқ академик, илмий тадқиқот ва муассаса ташкилотлари;
- давлат бошқаруви ва унинг турли худудий бўлинмалари;
- музей ва илмий музейлар;
- илмий лабораториялар;
- моддий ва маънавий ёдгорликларни ўрганиш ва қўриқлаш муассасалар бўлинмалари;
- туристик обьектлар ва мажмуалари;
- қадимий ғор маконлар, энг қадимги, қадимги ва ўрта асрлар ёдгорликлари;
- қадимий ва ўрта асрлар қабр-кўргонлари;
- қадимий сув иншоатлар;
- маданий қатламлар, археологик топилмалар;
- моддий ва ёзма манбалар;
- меъморий ёдгорликлар;
- металл қазиб олиш усуллари, металлар эритиш манзилгоҳлари;
- ер юзи ландшафти;
- савдо йўллари.

1.2.3. 70220401-Археология мутахассислиги бўйича магистрлар касбий фаолиятларининг турлари

- илмий тадқиқот фаолияти;
- педагогик фаолият;
- ташкилий-бошқарув фаолияти;
- ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш фаолияти.

1.2.4. 70220401-Археология мутахассислиги бўйича магистрларнинг касбий вазифалари:

70220401-Археология мутахассислиги бўйича Миллий малака рамкасининг 7-малака даражаси ҳамда магистр касбий фаолиятларининг соҳалари, обьектлари ва турларига мувофиқ магистратура битирувчиси куйидаги касбий вазифаларни бажаришга қодир бўлиши лозим:

Илмий тадқиқот ва педагогик фаолиятида:

- мамлакатимиз ва хорижий мамлакатлар илғор тажрибаларини инобатта олган ҳолда мутахассисликка оид янги илмий натижалар, илмий адабиётлар ва илмий-тадқиқот лойиҳаларини ўрганиш, таҳлил қилиш ва умумлаштириши;
- илмий, амалий тадқиқотлар олиб бориш, тажриба натижаларини қайта ишлаш ва улар асосида илмий асосланган хуносалар чиқариш;
- касбий фаолиятига мос илмий адабиётларни, илмий тадқиқот лойиҳаларини ва янги илмий натижаларни ўрганиш;
- қадимги ўрта асрларга оид археологик ёдгорликларда илмий тадқиқот ишларини олиб бориш ва уларнинг натижаларини илмий таҳлил қилиш;
- археология соҳасида замонавий фан технологияларини жорий этиш ва уларни ўкув жараёнига жорий этиш;
- илмий адабиётлар ва интернет тармоғида энг янги илмий ютуклар ҳақидаги маълумотларни мақсадга йўналган ҳолда қидириш ва топиш;
- илмий семинар, конференция ва симпозиумларни ташкил этиш, ўтказиш ҳамда фаол иштирок этиш;
- мос мутахассислик мавзуси бўйича илмий лойиҳаларни ишлаб чиқиш, ечилаётган илмий муаммолар ва топширикларнинг концептуал ва назарий моделларини ишлаб чиқиш;
- олий таълим, қайта тайёрлаш ва малака ошириш, профессионал таълим муассасаларида мутахассислиги бўйича педагогик ва ўкув-услубий фаолият юритиш;

- ўкув жараёнини ва илмий фаолиятни ташкил қилиш, замонавий ахборот ва педагогик технологиялардан, ўқитишининг техник воситаларидан фойдаланиб ўкув машғулотларини ўтказиш;

- электрон (e-learning), мобил (m-learning), масофавий ахборот технология ва ўкув-методик мажмуаларни мукаммал ўзлаштириш;

- педагогик ва илмий маҳорати ҳамда малакасини мунтазам ошириб бориш.

Ташкилий-бошқарув фаолиятида:

- ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва бошқариш;

- ижрочилар жамоаси ишини ташкил қилиш;

- ташкилот, корхона ва уларнинг алохига бўлинмалар ташкилий тузилмасини оптималлаштириш, ходимларнинг профессионал тайёргарлик даражасини ошириб боришни ташкил қилиш ва бошқариш, меҳнат салоҳиятидан самарали фойдаланишни режалаштириш, меҳнатни рағбатлантириш тизимини йўлга қўйиш;

- замонавий ахборот технологиялар тизимидан фойдаланиб ишлаб чиқариш жараёнлари мониторинги ва сифатини баҳолаш методлари ҳамда механизмларини ишлаб чиқиш;

- бажарилаётган иш режасини тузиш ва бу ишни назорат қилиш, ишни бажариш учун зарур бўлган ресурсларни режалаштириш, ўз ишининг натижаларини баҳолаш;

- ишлаб чиқариш жараёнларининг атроф-муҳит муҳофазаси, ёнғин, техника ва меҳнат хавфсизлигини талабларига мослигини мониторинг қилиш;

- шартномаларни тузиш учун зарур бўлган ҳужжатларни тўплаш, тезкор ва статистик ҳисботни олиб боришни ташкил этиш, ҳисботларни тузиш тартибларини аниқлаш;

- касбий этика кодексига риоя қилиш.

Ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш фаолиятида:

- ишлаб чиқариш фаолияти натижалари бўйича маълумотларни қайта ишлаш усуулларидан фойдаланиш ва мониторингини олиб бориш;

- фан ва техника ютуқларини ишлаб чиқариш жараёнига тадбиқ этиш;

- илмий ва амалий фаолиятда инструментал воситаларни ва ишлаб чиқариш муҳитини такомиллаштириш.

- археология соҳасидаги мутахассисликлар бўйича мавжуд ҳолатнинг таҳлилий шарҳини ишлаб чиқиш;

- археология соҳасида магистр тайёрлаш ихтисослигига мос бўлган мавзуларни экспертиза қилиш бўйича эксперт гурухларида иштирокчи сифатида қатнашиш;

- касбий этика тамоилларига риоя қилиш;

- тадқиқ қилинган обьектлар бўйича маҳсус йўл кўрсаткич яратиш;

қадимги меъморий ва археологик ёдгорликларини сақлаб қолиш ва улардан фойдаланиш;

- пуллик таълим хизматларини ташкил этиш ва амалга ошириш;

- ихтисосликка мос мавзу бўйича турли хизматларни кўрсатиш қобилиятига эга бўлиши лозим.

2. 70220401-Археология таълим мутахассислиги бўйича магистрларнинг касбий компетенцияларига қўйиладиган талаблар

2.1. Умумий компетенциялар:

- илмий дунёқарашга доир билимлар тизимини эгаллаган бўлиши, умумметодологик фанлар асоси, иқтисодий муаммолар ва жараёнларни мустақил таҳлил қилиш қобилиятига эга бўлиши;

- хорижий тиллардан бирида касбий фаолиятига оид ҳужжатлар ва ишлар мөхиятини тушуниши, илмий тадқиқот ва педагогика методологиясини билиши ва касбий фаолияти ундан замонавий илмий асосда касб фаолиятида фойдалана билиш;

- янги билимларни мустақил эгаллай билиши, ўз устида ишлаши ва меҳнат

фаолиятини илмий асосда ташкил қила олиш;

- ўзлаштирилган билимларни ижодий танқидий кўриб чиқиш ва таҳлил қилиши, улардан илмий фаолиятида фойдалана олиши;

- ўз фаолиятида меъёрий-хуқукий хужжатлардан фойдалана олиши, ўзининг касбий фаолиятида асосли мустакил қарорлар қабул қила билиши;

- интернет тармоғидан ахборотларни олиш, сақлаш, қайта ишлашнинг асосий усуллари ва воситаларига эга бўлиши, ахборотни бошқариш воситаси сифатида компьютер билан ишлаш кўникмаларига эга бўлиши;

- ахборот технологияларидан фойдалана олиши, ахборотлашган жамият шароитида ахборот технологияларининг моҳияти ва аҳамиятини тушуниш, ахборот хуружи хавфи ва таҳдидларни англаш, ахборот хавфсизлигининг асосий талабларига риоя қилиш қобилиятига эга бўлиши.

2.2. Касбий компетенциялар:

- илмий-тадқиқот методологияси, илмий тадқиқотлар асослари, тадқиқот жараёнини тавсифлаш, хуносаларни таърифлаш ва олинган натижаларни баҳолаш, эмпирик ва назарий тадқиқот усулларини фарқлаш, кенгайтирилган тадқиқот режасини ишлаб чиқиш, фундаментал, амалий, инновацион лойиҳаларнинг бир-биридан фаркини билиши;

- археологик маълумотларнинг ўрганиш ва умумлаштириш услубарини, цивилизация тушунчасини, Қадимги Шарқ цивилизациясининг табиий муҳитга таъсирини, цивилизация ва давлатчилик тарихини ўрганиш усулларини;

- археологияда тарихий реконструкцияга оид илмий қарашлар ва ёндошувларни, қадими жамиятлар хўжалигини ўрганишдаги тизимли ёндошувларни, археологияда хонаки ва ихтисослашган ҳунармандчиликнинг белгиларини, ихтисослашган ҳунармандчиликнинг ривожланишини, маҳсулот айрибошлашнинг вужудга келиши;

- маънавий маданиятнинг тараққиётини, миграциялар ва маданий алоқаларни, илк шаҳарлар ва давлатлар тарихига доир археологияда аҳборотларни, археологик тадқиқотлари натижаларидан давлатчилик тарихини ўрганишда фойдаланишни;

- инсон ва унинг тарихи ер шари эволюциясининг маълум қисми эканлиги, инсониятнинг барча тарихий жараёнлари, инсон эволюцияси ва антропогонез жараёни тўғрисидаги замонавий илмий билимларни эгаллаш, ишлаб чиқарувчи хўжаликлар ва цивилизацияларнинг вужудга келишини илмий таҳлил қилиш;

- артефактларнинг тарихий қиёси реконструкцияси, археологик дала тадқиқот ишларини олиб боришнинг замонавий усуллари, дала қидирув ишларининг замонавий усуллари, қазиша ишларида табиий фан усулларини қўллаш, кулолчилик тарихини даврлаштириш асослари, сопол ишлаб чиқаришнинг тарихий жараён билан алоқадорлиги;

- Марказий Осиё кулолчилиги тарихи, Марказий Осиё-кулолчилигини даврлаштириш муаммолари, хумдонларнинг ривожланиши, Марказий Осиёда кулолчиликнинг пайдо бўлиши, Марказий Осиёнинг тарихий-маданий вилоятларида кулолчилик ривожланишининг ўзига хос хусусиятлари, Марказий Осиёда сирлаш техникасининг пайдо бўлиши, Марказий Осиё кулолчилик хумдонларнинг асосий турлари ва ривожланиши, сопол ишлаб чиқариш хусусиятлари, Марказий Осиёнинг тарихий-маданий вилоятларида кулолчилик ривожланишининг ўзига хос хусусиятлари;

- шаҳар тушунчаси, энг қадимги шаҳарлар шаклланишининг табиий-географик ва ижтимоий-иктисодий сабаблари, шаҳарлар тарихий топографиясини ўрганиш усуллари, шаҳарларнинг турлари, таркибий қисмлари, неолит ва энеолит даври бинокорлиги, шаҳарларининг тарихий топографиясини ўрганишга оид асосий манбаларни;

- Марказий Осиёда бинокорликнинг ривожланиши ва илк шаҳарларининг тарихий топографияси, шаҳарларнинг топографик жойлашуви, таркибий қисмлари, қурилиши хусусиятлари ва мудофаа тизими, шаҳарларининг тарихий топографиясини ўрганишга оид асосий манбалар, Марказий Осиёнинг ўрта асрлар шаҳарларининг тарихий топографияси;

- хунармандчилик устахоналари ва бозорлари, мейморчилик хусусиятлари, далилий хулосаларни умумлаштириш учун аниқ тарихий маълумотлар, ижтимоий-иктисодий жараёнларни таҳлил экилиши, моделлаштириши ва истиқболлаштириши, инсон ресурсларини бошқариш тизимини ишлаб чиқиши ва амалиётга тадбиқ қилиши;
- магистратура мутахассислиги бўйича назарий ва амалий билимларни, уқув ва кўникмаларни шакллантириши;
- магистратура мутахассислиги бўйича билимлар базасини яратиш, жамлаш ва улардан фойдаланиш кўникмаларини ривожлантириши;
- магистратура мутахассислиги бўйича илмий-тадқиқот ишларини бажариш, касб фаолиятининг кўзланган натижаларига эришишда жараёнларни моделлаштириш ва тизимли ёндашиш борасидаги илмий билимлар, амалий маҳорат ва кўникмаларни тъминлаши керак;
- касбий этика кодексига риоя қилиш.

Библиографик маълумотлар

УДК: 002:651.1/7

Гурӯҳ Т 55

OKC 01.040.01

Таяинч сўзлар:

компетенция, интеллектуал, маданият, маънавият, мотив, инновация, плейстоцен, миграция, эволюция, антропогонез, популяция, статистик системали ёндашув, полицентризм, моноцентризм, кулолчилик, хумдон, бронза, бадий металл, топография, антик, урбанизация, элита, интонация, тектоника, эндоген, голоцен, ландшафт, модел, эпиграфика, палеометалл, профиль, виртуал, электрон билим манбалари, дидактика, назария, методология, тадқиқот, илмий бошқариш, ахборот-коммуникатив тизимлар, замонавий тадқиқот методлари, ахборот ва замонавий педагогик технологиилар, моделлар ва моделлаш, фан ишчи дастурлари, илмий-тадқиқотларни ташкил қилиш, виртуал электрон билим манбалари, дидактика, назария.

Ишлаб чиқувчилар, келишишган асосий турдош олий таълим муассасалари ҳамда
кадрлар иштимолчилари

ИШЛАБ ЧИҚИЛГАН:

Мирзо Улугбекномидаги Ўзбекистон
Миллий университети

Ректор

И.Маджидов

202_ йил « »

М.Ў.

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси
Тарих институти

Директор *Азамат Зиё*

202_ йил « »

КЕЛИШИЛГАН:

Ўзбекистон Республикаси

Олий ва ўрга махсус таълим вазирлиги
хузуридаги Олий таълимни ривожлантириш
тадқиқоти ва илгор технологияларни татбик
тинни маркази

М. Эсонов

М.Х.

Тошкент шаҳрат Шарқшунослик
университети

Ректор

Г.Рихинева

М.Ў.

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси
Миллий археология маркази

Директор *Ф. Мақсудов*

202_ йил « »

М.Ў.

**Мирзо Улугбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети 60220400-Археология
таълим йўналини ва 70220401-Археология магистратура мутахассислиги бўйича
Малака талаблари ва ўқув режаларининг ишлаб чиқувчилар, турдош олий таълим
муассасалари ва асосий кадрлар истеъмолчилиари ўртасида**
КЕЛИНГУВ ДАЛОЛАТИНОМАСИ

Тошкент ш.

“ ”

202 йил

Биз қўйида имзо чекувчилар – Ўзбекистон Миллий университети ректори И.Маджидов, ЎзР ФА тарих институти директори А.Зиё, ЎзР ФА Миллий археология маркази директори Ф. Мақсудов, Тошкент Давлат Шарқпунослик университети ректори Г.Рихсиева билан биргаликда бакалавриат таълим йўналини ва магистратура мутахассислиги бўйича малака талаблари ва ўқув режасини ишлаб чиқилишида кадрлар истеъмолчилиари, турдош ОТМ лар томонидан кўйилган талаблар ишобатга олинган.

60220400-Археология таълим йўналини

70220401-Археология магистратура мутахассислиги

Юкоридаги бакалавриат таълим йўналини ва магистратура мутахассислиги бўйича малака талаблари ва ўқув режасини ишлаб чиқилишида кадрлар истеъмолчилиари, турдош ОТМ лар томонидан кўйилган талаблар ишобатга олинган.

Малака талаблари ҳамда ўқув режани ишлаб чиқилишида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрелдаги “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2909-сон, 2017 йил 27 июлдаги “Олий маълумотли мутахассислар тайёрлани сифатини оширишида иктисадиёт соҳалари ва тармокларининг интирокини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3151-сон, 2018 йил 5 июндаги “Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириши ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислоҳотларда фазолининг интирокини таъминлани бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-3775-сон, 2019 йил 17 июндаги “2019-2023 йилларда Мирзо Улугбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетида талаб юқори бўлган малакали кадрлар тайёрлани тизимини тубдан такомиллантириш ва илмий салоҳиятни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4358-сон, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 22 июндаги “2021/2022 Ўқув йилида Ўзбекистон Республикасининг олий таълим муассасаларига ўқинига қабул қилинингдек давлат буюртмаси параметрлари тўғрисида”ги ПҚ-5157-сон Қарорларни аҳамда олий таълим соҳасини тартибга солувчи бопка месъёрий-хукукий хужжатлар, шунингдек, ҳалқаро талабларга асосланган.

Таълим йўналини ва магистратура мутахассислиги бўйича малака талаблари ўқув режа ва фан дастурлари ҳамда бопка хужжатларни яратиш учун асос бўлиб хисобланади.

Ишлаб чиқилишга малака талаблари ва ўқув режани ўринатилган тартибда тасдиқка тавсия этили мумкин.

Ўз РФД Барих
институтин директори



Н. Зиё
Азамат Зиё

Ўз РФД Миллий археология маркази
директори



Ф. Мақсудов
Ф. Мақсудов

Тошкент Давлат Шарқпунослик университети
Ректори

Г. Рихсиева
Г. Рихсиева

Ўзбекистон Миллий университети
Ректори



И. Маджидов
И. Маджидов

Илова

70220401-Археология магистратура мутахассислиги
бўйича тавлим дастурининг тузилини

T/p	Фанлар блоклари, интеграллаштирилган курслар ва блокларнинг номлари	Умумий юкламанинг ҳажми, соатларда
1.00	Мутахассислик фанлари	510
1.01	Илмий тадқиқот методологияси	60
1.02	Тарихий реконструкция масалалари	150
1.03	Палеоэкология ва цивилизация динамикаси	150
1.04	Замонавий археологик тадқиқот усуллари	150
2.00	Таплов фанлари	750
		Жами
3.00	Илмий фаолият	2040
3.01	Илмий-тадқиқот иши ва магистрлик диссертациясини тайёрланиш	900
3.02	Илмий семинар	240
3.03	Илмий-педагогик иши	360
3.04	Илмий амалиёт (стажировка)	540
		ЖАМИ:
4.00	Аттестациялар	300
		3600

ХАММАСИ

ЎзМУ ўқув ишлари бўйича
проректори



III.Тошматов

**ЎзМУда кредитъ-модул тизими асосида ишлаб чиқилған ўқув режанинг хорижий
мамлакатлар етакчи ОЎЮлари ўқув режалари билан қиёсий таҳлили**
Мутахассислик: 70220401-Археология

№	ЎзМУ		Шу фанинг хорижий ОТМлардя номланниши ва ажратилған соат					
	Фан номи	Умумий соат	Россия (М/ДУ)		Европа (University of Oxford)		АҚШ ёки Осиё мамлакатлари (University of Yale)	
			Фан номи	Умумий соат	Фан номи	Умумий соат	Фан номи	Умумий соат
1	Илмий тадқикот методологияси	60	Междисциплинарные подходы в исторических исследованиях	216	Historical methods	2 кредит		
2	Тарихий реконструкция масалалари	150	Историческая реконструкция	144	Theory and Methods in the History	5 кредит		
3	Палеоэкология ва цивилизация динамикаси	150	Древние цивилизации	144	Methods in Paleocology	5 кредит	Paleoecology	142
4	Замонавий археологик тадқикот усуслари	150	Современные методы археологических исследований	72	Modern methods of archaeological research	5 кредит	Modern methods of archaeological research	122

Изоҳ: 60220400-Археология бакалавриат таълим йўналиши негизида 70220401-Археология мутахассислиги бўйича тайёрланаётган магистрлардан ҳозирги кунда Олий, Малака ошириш ва қайта тайёрлаш, ўрта маҳсус, қасб хунар таълими муассасаларида археология ва тарих фанларини ўқитиш; илмий тадқикот марказларида, илмий тадқикот институтларида, илмий ишлаб чиқариш бирлашмаларида илмий тадқикот ишларини олиб бориш вилоят, туман маданий меърос, бўлимларида илмий тадқикот ишларини олиб бориш, мутахассисликка оид илмий мавзуларни ўз мажмуасини камраб олади. 70220401-Археология мутахассислиги давлат таълим стандарти жаҳон андозаларига мос равишда бўлиб, бошка давлатларнинг таълим дастурларига ўхшаш томонлари ҳамда ўзига хос хусусиятлари билан ажралиб туради.